

КУБАДАН ҚЎЛИНГНИ ТОРТ!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ХАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАХАР КОМИТЕТЛАРИ,
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАХАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 79 (1857) 19 апрель, чоршанба, 1961 йил Баҳоси 2 тийин

Кубага қуролли бостириб кирилганлиги муносабати билан СССР ҳукуматининг баёноти

18 апрелда СССР Ташқи ишлар
министрининг ўринбосари В. С.
Семенов АҚШнинг СССРдаги мун-
вақат ишлари вакили Э. Л. Фри-
ре жанобларини қабул қилди ва
унга Кубага қуролли бостириб ки-
рилганлиги муносабати билан
СССР Ҳукумати баёноти текстини,

шунингдек СССР Иттифоқи Ми-
нистрлар Совети Раиси Н. С.
Хрушчевнинг Америка Қўшма
Штатлари президенти Ж. Кенне-
диға мактубини топширди.
Айни вақтда СССР Ташқи иш-
лар министрлиги СССР ҳукума-
тининг баёнотини Москвадаги бар-
ча элчихоналар ва миссияларга
юрборди.

СССР ҳукумати баёноти ва
Н. С. Хрушчевнинг Ж. Кеннедиға
мактуби текстлари қуйида боси-
лади.

«Куба Республикасининг ҳуку-
мати Американинг «Б-26» типда-
ги бомбардировчи самолётлари 15
апрель эрта билан Куба пойтахти
Гавананинг айрим районларига ва
аҳоли яшайдиган бошқа бир қанча
пунктларни ваҳшона бомбарди-
мон қилганлигини хабар қилди.
Тинч аҳоли ўртасида ўлган ва
ярадор бўлганлар кўп. Ана шу
бомбардировчилар 17 апрель
тунги отарада Куба соҳилларининг
турли жойларига интервенциянинг
қуролли десантлари туширилди.
Десантлар туширилишини АҚШ
ҳарбий кемалари ва авиацияси
қўллаб турди. Куба ҳукумати
қўриллари ва халқ милицияси бос-
қинчиларга қарши жанг олиб бо-
ришмоқда.

Кубага бостириб кирилганлиги
муносабати билан Совет Иттифоқи
Ҳукумати қуйидагиларни баён қи-
лади.

Кубага қилingan ҳужум барча
эриксавар халқларга ошкора дағда-
га бўлиб, Кариб дентия раёонида
тичиликка қарши, умумий ти-
чиликка қарши ҳафс-хатарли иғво-
гарликлар. Ана шу жинояткорона
бостириб киришни ҳеч нарса билан
оқлаб бўлмайди. Кубага қарши
агрессиянинг ташкилотчилари Ку-
ба халқининг эриши ва мустақил-
лашдиш иборат дахлсиз ҳуқуқига
қасд қилмоқдалар. Улар халқро
муносабатларнинг элементлар қон-
даларини, давлатларнинг тинч-то-
тув яшап принципларини пойма-
лётмоқдалар.

Куба халқи ҳеч кимга таҳдид
қилгани йўқ ва таҳдид қилмайтир.
Куба халқи бундан икки йилдан
кўпроқ вақт илгари Америка йи-
рик монополияларининг малайи,
қонхўр мустақил Батиста зулминин
ағдариб ташлаб, мустақил сие-
сат ўтказиш йўлига, экономикани ю-
салтириш ва турмушин яхшилаш
йўлига ўтган эди. Куба халқи ўзи-
ни тинч қўйишларини, ўз ҳаётини
ўзининг миллий идеалларига му-
вофиқ қўришга халақит бермас-
ликларини талаб этмоқда.

Олти миллионли аҳолиси бўл-
ган кичкинагина Куба бирор мам-
лакатга, ҳусусан АҚШ каби катта
давлатга таҳдид қилиши мумкин-
ми, ахир? Албатта. Йўқ. Лекин
шунга қарамай, Кубада миллий
революция галаба қилган биринчи
қуллардон АҚШ Кубадан ҳай-
даб юборилган контрреволюцион
унсурлар тўпланган марказ бўлиб
қолди, ана шу контрреволюцион
унсурлар АҚШда шайна бўлиб
ташқил топиладар ва Фидель Каст-
ро кўл остидаги халқ ҳукуматига
қарши курашин учун қўрқоланди-
лар. Кейинги воқеалар шунини кўр-
сатдики, ўзининг Ф. Рузвельт сие-
сатининг вориси деб эълон қилган
АҚШнинг ҳозирги ҳукумати ас-
лида Даллес-Эйзенхауэрнинг халқ-

лар томонидан қораланган реак-
цион империалистик сиесатини ўт-
казиб келмоқда.

АҚШ ҳукумати президент Кен-
неди орқали «Кубадаги асосий ни-
золи масала АҚШ билан Куба
ўртасидаги низо масаласи эмас,
балки кубаликларнинг ўз ўртала-
ридаги низо масаласидир» деб
айтди. Президент ўзининг «эриши
ва мустақил Куба» тарафлари
эканлигини айтди. Амада эса,
АҚШ ва унга қарам бўлган дав-
латлар территориясида Кубага
қарши агрессия ҳужум тайёргарли-
гини кўриш учун ҳамма иш қи-
либ қўйилди.

Башарти АҚШ ҳукумати Кубага
нисбатан ошкора душманлик сие-
сатини ўтказмаганида, Америка
капиталистнинг сотқин контрреволю-
цион шайкалари АҚШ террито-
риясида «Куба ҳукумати» деб
аталган ҳукуматини вужудга кел-
тириш олдирмайдими?

Кубага босқинчиларча ҳужум
қилиш учун самолётлар кимнинг
территориясида парвоз қилди?
АҚШ ҳамда унинг назорати остида
бўлган қўшни мамлакатлар терри-
ториясида парвоз қилди-ку.

Контрреволюцион шайкалар
кимнинг қурол-роғдалари билан қу-
ролланган? — Американинг қу-
рол-роғдалари билан қуролланган.

Улар кимнинг маблағлари бил-
ла таъминланди ва таъминлан-
моқда? — Америка Қўшма Штат-
лари бераётган маблағлар билан
таъминланди ва таъминланмоқда.

Шу нарсалардан аққол кўришиб
турибдими, Америка Қўшма Штат-
ларининг ўзи ҳозирги вақтда Ку-
бага қарши босқинчиларча қилин-
ган ҳужумнинг илҳомчиси ва таш-
килотчилар.

АҚШ Куба Республикасига
қарши нима учун ана шу жиноий
ҳужумни ташкил этди? Бунга са-
баб шунки, Батиста истибодни ағ-
дариб ташланганидан кейин Куба
халқи ўз ватанининг чет эл моно-
полиялари томонидан талон-торож
этилиши ва эскилудатига қилини-
шга қотима берди. Бу монопо-
лиялар Куба халқига, Латин Аме-
рикаси халқларига ҳеч бир нарсани
раво қўришни истамайдилар.

Улар ўзининг мустақил ҳаётини
барпо қилаётган Кубанинг Латин
Америкасидаги бошқа мамлакат-
лар учун намуна бўлиб қолиши-
дан қўрқмоқдалар. Улар илгари
Гватемалага нисбатан қилганлари
каби Куба халқининг ҳам ўз тақ-
дирини ўзи белгилаш ҳуқуқини
қабиҳ сотқинлар қўли билан ун-
дан тортиб олишни истайдилар.

Аммо ҳар бир халқ ўзи иста-
ганча яшап ҳуқуқига эгадир ва
ҳеч ким, ҳеч қандай давлат ўзи-
нинг ҳаёт шаклини бошқа халқ-
ларга мажбуран қабул қилдириш
ҳуқуқига эга эмас.

Куба халқи ажнабий золимлар

ва уларнинг малайларига қарши,
ўз эркинлиги ва мустақиллиги
учун курашини узоқ давом этган
машаққатли ва оғир мактабини
ўтди. У асло тиз қўймайди, ажна-
бий золимлар сиртмоғининг ана
ўз бўйинга осланишга йўл қўй-
майди. Бутун прогрессив инсония-
т, барча соф виждонли кишилар
Куба томонидилар.

Совет Иттифоқи Ҳукумати шун-
и айтдики, бошқа тинчликсевар
мамлакатлар каби Совет Иттифоқи
ҳам Куба халқини мустақил қол-
дирмайди ва Кубанинг эркинлиги
ҳамда мустақиллиги учун олиб бо-
риладиган адолатли курашда унга
зарур бўлган ҳамма ёрдамни кўр-
сатади ва уни қўллаб-қувватлай-
ди.

Совет ҳукумати ҳозирги масъу-
лиятли пайтда умумий тинчликни
сақлаш манфаатларини қўллаб,
АҚШ ҳукуматига мурожаат қи-
либ, уни Кубага қарши агрессия-
ни тўхтатиш чораларини қўришга
даъват этди. Кубанинг аниқ иш-
лари арасидаги контрреволю-
цион шайкаларга ҳоҳимлик қилиш
ва уларга ёрдам кўрсатишга дар-
ҳол чек қўйилиши лозим.

Совет ҳукумати умид қилади-
ки, Қўшма Штатларига Кубага
қарши агрессиянинг Америка хал-
қи манфаатларига хилоф эканли-
гини ва Қўшма Штатларининг ўз
аҳолисининг тинч ҳаётини ҳафс
остида қолдириши мумкин экан-
лигини тушуниш олдирлар.

Совет ҳукумати Кубага қарши
қуролли интервенция қилаётган
ва бу интервенцияга бошдаб бер-
ган АҚШнинг агрессия ҳаракат-
лари тўғрисидаги масъулини Бир-
лашган Миллатлар Ташкилотининг
Бош Ассамблеяси дарҳол қараб
чиқсин, деб талаб этди.

СССР ҳукумати Бирлашган
Миллатлар Ташкилотининг аъзо-
си бўлган барча давлатларнинг
ҳукуматларига мурожаат қилиб,
уларни Кубага қарши агрессия ҳа-
ракатларга дарҳол чек қўйиш
учун зарур бўлган ҳамма чора-
ларни қўришга даъват этди. Агрес-
сия ҳаракатларининг давом эт-
тирилиши умумий тинчлик учун
хафс-хатарли бўлган гоёт жиддий
оқибатларни вужудга келтириши
мумкин. Бирлашган Миллатлар
Ташкилотининг аъзоси суверен
давлат бўлиши Кубанинг сувере-
нитети ва мустақиллиги ҳавф о-
стига қолган ҳозирги пайтда унга
зарур ҳамма ёрдамни кўрсатиш ва
уни қўллаб-қувватлаш — БМТ
аъзоси бўлган барча мамлакат-
ларнинг бурчидир.

Куба халқининг ишига қуролли
аралашини тўхтатилмаган тақдир-
да, Совет ҳукумати бошқа мамла-
катлар билан биргаликда Куба
Республикасига зарур ёрдам кўр-
сатиш учун барча чораларни кў-
риш ҳуқуқини ўзида сақлаб қо-
лади.

1961 йил 18 апрель.



Суратда: «Ташкетистилмаш» заводига Кубага қарши бошланган қуролли интервенцияга қатъий норозилик митинги.

Куба яшасин! Империализм йўқолсин!

Кубага қарши қуролли интер-
венция бошлангани ҳақидаги
ташвишли хабар «Ташкетистил-
маш» заводи ишчиларининг қалби-
да қаҳр-ғазаб тўта норозилик туг-
дирди.

Ишчи ва хизматчилардан неча
юзлаб киши революцион Куба би-
лан ўз бирдамчилигини изҳор эт-
моқ учун 18 апрель куни тушун-
тафус пайтда митинг қўйи-
ланди. Бу ерда тўланганлар ми-
тингда ҳозир бўлган Куба қўзғо-
лчилар уюшмасининг президенти
Жозель Иглесиас бошчилигидаги
қаракор Куба халқи вакилларини
қаракор билан кутиб оладилар.

— Янги жамият барпо этаётган
кубаликларнинг оқсонида ҳаёти
империалистларга тинчлик берма-
ётир, — деди митингда сўзга чиқ-
қан конструктор Станислав Вой-
ко. — Сотқин бандитлар Америка
Қўшма Штатлари томонидан бево-
си қўллаб-қувватлангани ҳолда
агрессия бошлаб, шаҳарларга бом-
ба ташламоқдалар, тинч аҳолининг
қонини тўқмоқдалар. Бирок импе-
риалистлар озолиқ бахтини тоғиб
қўрган халқни тиз чўктириш йў-
лида беҳуда уришмоқдалар. Бутун
жаҳон жамоатчилиги Куба вата-
нпарварлари томонидилар.

Кубалик ўртоқлари — деб
мурожаат қилди Бойко меҳмон-
лари, — ўз адолатли курашин
ғизда ёлғиз эмаслигини аниқлаш
ишонини мумкин. Сизлар бизга
умид боғлашингиз мумкин.

Темирчилик-пресс цехининг сле-
зари Тургул Бобоев сўз оладди.
У Куба Республикасининг мағрур
халқига сурбетларча ҳужум қилин-

ганлиги ҳақида ҳаяжон билан га-
пиради.

— Революция томонидан улоқ-
тириб ташланган жамият сарқит-
лари, — деди Бобоев, — ўзла-
рининг қора ниятларини амалга
оширишга ҳеч қачон муваффақ бў-
ла олмайдилар. Биз совет кишилари
«Интервенция ташкилотчилари жа-
ловбарликка тортилсин! Агрессор-
лар шармандан-шармисор қилин-
син!» деб талаб қиламиз.

— Революцион Куба, — деб
уқтириб ўтди ўз нутқида конст-
руктор Игорь Бухвалов, — Латин
Америкасидаги барча халқларга
озодлик ва мустақиллиги йўлини
зўр машғал сингари ёритиб туриб-
ди. Империалистлар ана шу машғ-
али ўқитишга муваффақ бўла
олмайдилар. Қалбларимиз қаҳр-ғазаб
туғилуларига тўлиб-тошаркан: «Аг-
рессорлар Кубадан қўлигини
торти!» деймиз.

Куба ёшлар делегациясининг
аъзоси, Лас Вильяс виллоятида Ку-
ба қўзғолончилар уюшмаси ташки-
лотининг раҳбари Андрей Родри-
гес мислига чиқди.

Империалистларнинг ҳеч қан-
дай ивгогарона ҳаракати бизга
қўйишчи эмас, — деди у. —
Ҳақиқият бизнинг томонимизда-
дир, чунки биз тинчлик учун, мил-
ли озолиқ учун курашайтиримиз.
Ҳақиқий иш эса ҳамини галаба
қозонади! Биз ёлғиз эмасмиз! Га-
лаба қилишимизга ишончимиз ко-
ми, чунки бутун дунёда милли-
он-миллион кишилар бизлар
билан биргаликда «Кубадан қўли-
гини торти!» деб баралла айтмоқда-
лар.

Касаба соъз ходимларининг
Тошкентда ўтказилаётган халқро

семинарининг қатнашчиси, Куба
жамоат арбоби Альфредо Ран-
кано Куба халқига хайрихоҳлик
ҳамда бирдамлик туғилуларни кўр-
сатилганлиги учун самимий та-
шаккур изҳор қилди.

Америка империалистлари, де-
ди у, Куба революциясини бўғиб
ташлашга ҳеч қачон муваффақ бў-
ла олмайдилар. Халқ қўлга кирит-
ган галабаларини ҳеч қандай куч
унинг қўлидан тортиб ололмайдилар.
Юртимизга қўроқ кўтариб кирган-
ларнинг гўри шу ерда эканлиги
ишонаверингиз. Сизлар билан бир-
галикда, бутун дунё билан бирга
қиламиз: «Куба яшасин! Янгилар
йўқолсин!» деймиз. «Куба яшасин!»
Империализм йўқолсин! Яшасин
революция! Яшасин соция-
лизм!

Митинг қатнашчилари яқинлик
билан Гаванага телеграмма юбор-
дилар. Бу телеграммада улар Ку-
ба халқининг озолиқ ҳамда мил-
ли мустақиллиги учун олиб бора-
ётган кураши билан астойдил бир-
дам эканликларини изҳор қилди-
лар.

Агрессорларнинг дарҳол тайиб
қўйиш қараридан Кубага қарши
бошланган ивгогарона ҳаракатлар-
га чек қўйиш ҳақидаги талаб биз-
дан Ньес-Торрера, Бирлашган Мил-
латлар Ташкилотига ҳам теле-
грамма юборилди.

ҚОНЛИ ЖИНОЯТ

Совет халқи, дунёдаги барча
эриксавар инсоният кимосига бирин-
чи бўлиб парвоз қилган совет
граждани Юрий Гагаринини. «Вос-
ток» йўлдош кемасини яратган
олимлар, инженерлар ва ишчилар-
ни чин юракдан қўллаётган, қалб-
лари шодлиққа тўлиб-тошган бир
пайтда америкалик босқинчилар
Куба халқига қарши қуролли уруш
очдилар, уларнинг қонли жиноят-
лари жаҳондаги соф виждонли ки-
шилар қалбини ғазабга тўлдирди.

Колхозимиз аъзолари радиодан
дахшати хабарини эшитиб уруш
оломини ёққан. Куба халқини оёқ-
сиз қилмоқчи бўлган қонхўр аме-
рикан империалистларнинг ҳи-
ружани лаштанмоқдалар. Биз
америкалик босқинчиларга қарши

КУБА ХАЛҚИНИНГ МИЛЛИОН-МИЛЛИОН ДЎСТЛАРИ БОР

Ўзбекистон пойтахтида меҳмон
бўлиб турган Куба ёшлари деле-
гацияси Куба республикасига хи-
ёнаткорона ҳужум қилинганлиги
ҳақидаги хабарни Тошкент теле-
маркази студиясида эшитди. Бу
хабардан ёш ватанпарварларнинг
қўзғолди қаҳр-ғазаб уқунлари
чарчаб, чехралари жиддий тус ол-
ди. Улар ҳафс хабарларини иш-
тудда кутиб олишга одатланган-
лар. Делегация раҳбари, Куба ёш
қўзғолончилар уюшмасининг пре-
зиденти, революцион армиянинг
ўн ўқиз эшли майори Жозель
Иглесиас телевидион эшиттири-
шини тамоша қилаётган миллион-
миллион дўстларига мурожаат қи-
либ бундай деди:

— Мамлакатимизда рўй берган
воқеа бизни аяблантирмайди. Им-
периалистлар ва уларнинг малай-
лари Куба революциясини галаба
қилишининг дастлабки қўллардан
бошлаб халқимизга қарши фитна-
лар тайёрлаб бошладилар. Бирок
халқ революцион қонунларга му-
вофиқ республикага қарши қи-
линган душманчилик ҳаракатлар-
га зарба берди.

Эшиттириш таом билангидан
кейин Ўзбекистон телеграф агент-
лигининг мухбири Куба ёшлари
делегацияси билан уқрашди. Жозель
Иглесиас ва унинг ўртоқлари Совет
мамлакатига дўстона мадад ва
хайрихоҳлик туйғулларини ҳар қа-
дамда сезиб турганликларини айт-
дилар. Кубалик ёшлар кеча хиё-
наткорона бомбардиров қилинган
Кубадаги мактаб шаҳарчасининг
ўқувчилари учун совет ўқувчилари
томонидан тўпланган совғаларни
Тошкентдаги Пионерлар саройида
бугун эрталаб қўрган эдилар.

— Бу совғаларда совет халқи-
нинг ҳис-туғйуси ўзининг илқол
ифодасини топган, — деди Лас-
Вильяс виллояти ёш қўзғолончилар
уюшмаси ташкилотининг раҳбари
Андрей Родригес.

Шу толада Кубаликларнинг ди-
қат-эътибори Тошкентдан неча
минггаб километр нарида жой-
лашган Ҷўртларда қандай во-
қеалар рўй бераётганлигига қара-
тишган. Шунда ҳам Жозель Иг-
лесиас биринчи космонавт Юрий Га-
гариннинг шонли парвозини яна
бир марта тила олди:

— Юрий Гагарин бизнинг со-
ҳиларимизни ювиб турган океан
тепасидан ҳам учиб ўтди. Биз со-
вет халқининг ана шу буюк афсо-
раси бизнинг зафаримиз ҳам деб
ҳисоблаймиз. Бу зафар Куба халқи
қаҳқонли кураши галаба қозона-
ганини яна бир гаровидир. Биз
ўзимизни нузли келажак сари бо-
раётган йўлимиздан қалтиришга,
халқимизни ҳуқуқсизлик ҳамда
қашшоқликка яна мубалоа қилиш
йўлидаги уринишларга йўл қўй-
маймиз. Бизнинг ишмиз қаҳқонли
ипдир, биз галаба қозонамиз!

ҚОНЛИ ЖИНОЯТ

Совет халқи, дунёдаги барча
эриксавар инсоният кимосига бирин-
чи бўлиб парвоз қилган совет
граждани Юрий Гагаринини. «Вос-
ток» йўлдош кемасини яратган
олимлар, инженерлар ва ишчилар-
ни чин юракдан қўллаётган, қалб-
лари шодлиққа тўлиб-тошган бир
пайтда америкалик босқинчилар
Куба халқига қарши қуролли уруш
очдилар, уларнинг қонли жиноят-
лари жаҳондаги соф виждонли ки-
шилар қалбини ғазабга тўлдирди.

Колхозимиз аъзолари радиодан
дахшати хабарини эшитиб уруш
оломини ёққан. Куба халқини оёқ-
сиз қилмоқчи бўлган қонхўр аме-
рикан империалистларнинг ҳи-
ружани лаштанмоқдалар. Биз
америкалик босқинчиларга қарши

мардонавор курашаётган Куба
халқининг қўл бўлмай, абадий
озод қилиш ва курашда тўла га-
лабаларга эришишга аминимиз.
Чунки Куба халқи тўғри, қаҳқонли
йўлдан бормоқда. Ҷа мустақилли-
ги учун курашмоқда. Куба халқи
озод бўлиб қолиши аниқ. Амери-
калик империалистлар озод халқ-
ларнинг қаҳр-ғазабига дучор бў-
лади, қилимизга яраша ҳужум бе-
ради.

Ф. АБДУЛЛАЕВ,
Калинин райкомдаги Карл
Маркс номи колхозининг рай-
си. Социалистик Меҳнат Ка-
рамони, СССР тинчликни хи-
мо қилиш комитети Ўзе-
кистон жамиятининг аъзоси.

СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг АҚШ президенти Ж. Кеннедиға мактуби

Президент жанобларини,
Бутун дунёда тинчлик учун
ҳайф тугдиридан ташвишли учун
пайтда шу мактуб билан Сизга
мурожаат қилмакдаман. Кубага
қарши қуролли агрессия бошлан-
ди. Бу мамлакатга бостириб кир-
ган қуролли шайкалар Америка
Қўшма Штатларига таъминлан-
ганлиги ва қуролланганлиги ҳеч
кимга сир эмас. Куба шаҳар-
ларини бомбардиров қилаётган са-
молётлар Америка Қўшма Штат-
ларига қарашлидир, бу самолёт-
лар таъминатга етказиб бери-
ди. Уларнинг ҳаммаси бизга, Со-
вет Иттифоқига, Совет ҳукумати-
да, совет халқига ҳақоний қаҳр-
ғазаб қилишлари туғилмоқда.

Биз ҳали яқиндагина ўз нақил-
ларимиз орқали фикр олишиб, ҳар
искала томоннинг мамлакатлари-
миз ўртасидаги муносабатларни
яхшилашга ва уруш ҳавфининг
олдини олишга қаратилган тад-

бирларини биргаликда қўриш тўғ-
рисида Сиз билан гаплашиб олган
эдик. Сизнинг бундан бир неча
кун илгари АҚШ Кубага қарши
уруш ҳаракатларида қағнашмай-
ди, деб қилган баёнотингиз Қўш-
ма Штатларнинг раҳбар инстан-
циялари Кубага қарши агрессия
умумий тинчлиги учун ва АҚШ-
нинг ўзи учун қандай оқибатларга
сабаб бўлиши мумкин эканлигини
яхши биланлаш, деган тасассурут
туғдирган эди.

Кубага ҳужум эндиликда факт
бўлиб қолган бир пайтда, Қўшма
Штатларнинг амалда қилаётган
ишларини нима деб тушушни мум-
кин?

Тузатиб бўлмайдиган ишлар-
нинг олдин олин учун фурсат
хали кўндал бой берилган эмас.
АҚШ ҳукумати интервенция то-
монидан Кубада ёлдирилган уруш
алангасининг ёнгина айланмиш
йўл йўлмаслик учун ҳали им-
кониятга эгадир, уруш алангаси
ёнгина айланган тақдирда аса,

уни ўқитиш иложи бўлмай қола-
ди. Президент жанобларини, мен
Сизга мурожаат қилиб, Куба Рес-
публикасига қарши агрессияга
хотима беришга қатъий даъват
этаман. Эндиликда ҳарбий техни-
ка ва жаҳондаги сиесий вазият
шундайки, «енчик уруш» деб
аталган ҳар қандай уруш ер юзи-
нинг ҳамма қисмларида кетма-
кет реакция туғдириши мумкин.

Совет Иттифоқида келганда,
бизнинг позициямиз тўғрисида
ҳеч қандай хато фикр бўлиши
мумкин эмас: биз, Кубага қилин-
ган қуролли ҳужумни даф этишда
Куба халқи ва унинг ҳукуматига
зарур ҳамма ёрдамни кўрсатамиз.
Биз халқро кескинликнинг юм-
шатилишини астойдил манфаат-
доримиз, аммо бошқалар вазиятин
кескинлаштириш: йўлдан боради-
миз бўлсалар, бундай ҳолда биз
ҳам уларга бутун чоралар билан
жавоб қайтарамиз. Бир районда
аҳволни тўғрилад, ёнгинаи ўчир-
ган ҳолда, бошқа, бир районда
эса, янги ёнгинаи авж олдириш
йўли билан иш олиб бориш уму-
ман мумкин бўлмас керак.

АҚШ ҳукумати жаҳонни уруш
ҳалокатига олиб келиши мумкин
бўлган қадамларга йўл қўймас-
лик тўғрисидаги ягона ғамхўрлик
тақозо этган бизнинг ана шу му-
лоҳазаларимизнинг эътиборга олу-
ри, деб умид қиламан.

Н. ХРУШЧЕВ,
СССР Министрлар Совети
Раиси
1961 йил 18 апрель.

Н. С. ХРУШЧЕВ СУВАННА ФУМА БИЛАН СУХБАТЛАШДИ

СОНИ. 18 апрель. (ТАСС).
Навқазнинг Қўра дентия соҳилида
СССР Министрлар Советининг
Раиси Н. С. Хрушчев Совет Итти-
фоқида расмий визит билан келган
Лаос корольлиги викил министри
Лаос Суванна Фумани бутун қабул
қилди.

1 май **шафари** *Меҳнат соғалари*

Янгир шахри	104
Чирчиқ шахри	103
Бекобол шахри	103
Оржоникидзе райони	100,6

Совет адабиётининг классиги М. Шолохов қаҳрамонларнинг ҳар бири ўз ўтмишига, келажига, муштарак характери, ўзининг бой ва рангбаранг таркибига эга. Атоқли адаб яратган ижодий ва салбий образлар галереяси бизга буюк мутафаккир Л. Н. Толстой чизиб берган ўлмас образларни эслатади. Шу сабабли Шолохов асарларини экранлаштириш кино санъати усталарини алоҳида маҳорат талаб этади.

«Очилган кўрик» романи М. Шолохов ижодида айниқса муҳим аҳамиятга эга. Бу асар 30-йилларда юз берган коллективлаштириш, деҳқонларнинг коммунистлар раҳбарлигида колхоз тузилиши учун, янги ҳаёт учун олиб борган курашларини ўз ичига олади. «Ленфильм» киностудияси бу асар асосида сценарий яратишни таъинли киноматюрг Ф. Шамагонов ва Шолохов асарлари устида кўп йилдан бери ишлаб, бой тажриба ортирган Ю. Луккинга топшириб жуда тўғри иш қилган. Чунки Шолохов асарларининг чуқур мазмунига, қаҳрамонларнинг мураккаб характеридаги гулла-тўки тушуниб етиш учун истаётдики ёзувчининг индивидуал баъийирийлигидаги тушуниб етмоқ лозим. Шолохов ижоди хусусиятларини батафсил ўрганиб олган сценарий авторлари ёзувчининг гоёсини тўғри талкин этишга катта аҳамият берганлар.

Фильмнинг 3-серияси деҳқонларнинг хусусий мулкчилик ҳукмиронлигиндан секин-аста қўтилиб, коммунистлар бошчилигида ижодий меҳнатга киришганларини ҳикоя қилади. Фильмда акс эттирилган воқеалар жараёнида С. Давидов, М. Нагульнов, К. Майданников бошлқ деҳқонлар ўзларини руҳан тетик ҳис қиладилар, синфий курашнинг янги босқичида аста-секин җиғилиб борадилар. Халқ душманлари Островнов, Полюевлар бошчилиги қилган қора гуруҳлар аса руҳий тушунлиқка учраб, ҳалок бўлидилар.

Фильмни тамоша қилар эканмиз, муҳим тарихий воқеалар юз кетган образлар орқали акс эттирилган кўриб хурсанд бўламиз. Фильмда муваффақият қилган чиканлар, эпизодлар жуда кўп. Гремишечен партия янчиасининг оқибатлисида кизиқчи Шчукар бобо ўрта ҳол деҳқон К. Майданниковнинг партия сафига киришини ўринли деб тоъимиз. Лекин К. Майданниковнинг ҳаётида юз берган туб ўзгаришлардан хабардор бўлган халқ унинг номзодини қувватлайди. Ана шу воқеаларни акс эттирувчи кадрларда халқ билан коммунистларнинг бирдамчилиги, ҳамфурқчилиги кўрамади. Коммунистлар халқ омиаси билан биргаликда маълум бир воқеаларни баҳолашда бир позицияда турганини сезамиз.

Давидов ҳар доим халқ билан яқин муносабатда бўлади, чунки унинг ўзи меҳнатхалқ халқ вакилидир. У Дон зақслари билан ҳам алаҳқон дўстлашиб кетган. Лекин баъзан у кизиқиб кетиб, ўринсиз дўшманларга ҳам бериб бетади. Ана шундай пайларда деҳқонлар унга йўл-йўри кўрсатадилар, маслаҳат берадилар. Мана, Давидов бекор ўтирган деҳқонларни кўриб гўтоқиб



ОЧИЛГАН КҮРИК

кетди ва миниб турган отидан тушмай, уларга бақирабашлади. Шунда колхозчилар ҳам бўш келмай, ўз раислари билан баравар олишаверадилар. Ана шу воқеалардан сўнг колхоз раиси Давидов яқини сўз билан, тушунтириш йўли билан иш олиб бориш кераклиги яна бир марта ишонч ҳосил қилди.

П. Чернов ижросида Давидов партиянинг сadoқатли фарзанди сифатида талқин этилади. У камга, лекин биз унинг кучига, матонатига ишонемиз. У ўз севагини Варюхага ҳам туйгуларини сўз билан йодо эта олмайди, лекин тамошаван унинг пок қалбига, муҳаббатининг соф ва тозаллигига қаттиқ ишонади. Давидов бошқа коммунистлар билан бирга халқни улкан қурилишларга даъват этади, революция душманларига чексиз нафрат руҳида тарбиялайди.

Е. Матвеев яратган Нагульнов образи ҳам фильмнинг энг катта муваффақиятларидан бири ҳисобланади. Матвеев Нагульнов тайлатли софиди, перия ишига соғил коммунист. У жон-дили билан (тоқо қизиқиб олса ҳам) деҳқонларни хусусий мулкчиликдан воз кечиб, колхоз тузилиши, жамоатчилик мулкчилик кун сайин мустақамлашга қақиради.

Фильмнинг яна бир ютуғи шундан иборатки, унда оддий колхозчиларнинг ҳис-туйғулари, уларнинг қунадили ҳаёти К. Майданников, Шчукар бобо, Варюха,

Рикалин, Шалий образлари орқали акс эттирилган. Бу ўринда шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, очик қўнгилли, меҳнатсевар Варюха образига фильмда янада кўпроқ ўрин берилиши керак эди. Чунки М. Шолохов Варюхага колхозларда хотин-қизлар орасидан етишиб чиқаётган актив қизлар образини мукаммалантиришга ҳаракат қилган. Фильмда аса Варюха, агар унинг районга қўнғига юбюрислаётганлиги кўрсатувчи кадрини ҳисобга олмганда, фақат Давидовнинг севагини сифатида тавдланади, ҳолос.

Фильм оператори В. Фастович кадрларни суратга олишда жуда катта муваффақиятларини кўлга кийратган. Лекин фильм постановкаси ва операторлар Шолохов тасвирлаб берган бой ва сермазмун пейзажлардан гўла фойдалана олмаганлар. Фильмда узрайдиган табиат манзаралари фойдаланган воқеаларга фақатгина фойдаланиб қолган. Ҳолос, Варюхан, Шолохов — ёзувчи, расом — психолог. У яратган табиат манзаралари роман композициясида жуда муҳим ўрин эгаллайди ва бевосита асарнинг гоёсини очиб беришга, атрофда юз бераётган ҳодаларга тушуниб етишга ёрдам беради.

Биз айтиб ўтган баъзи бир жузъий камчиликларга қарамай, «Очилган кўрик» фильми М. Шолоховнинг ўлмас асарига яна бир умр бағишлайди.

Х. АКБАРОВ.



Ошхоналар узлуксиз ишламоқда

«Ташсельмаш» заводининг ошхонасида кечаси-кундузи хоҳлаган вақтингизда овқатланишингиз мумкин. Ҳар учалда сменадаги ишчилар учун унларча хилма-хил овқатлар, шу жумладан кўнғига ўзбек миллий таомлари тайёрланмоқда. Цехларда кўнма буютлар, энг катта дех — қуюв цехида аса ошхонанинг филиали ишламоқда. Завод ошхонаси мукаммал техника ва совитш ускуналар билан таъминланган.

Донгдор токар Аъзам Рўзатов бошлқ жамоат контроль комиссиясининг таклифига биноан хизмат кўрсатишининг янги формаси жорий қилинди. Ҳозир овқатланишга кўпи билан 20 минут вақт кетмоқда.

Касабо союлар области Советининг президиуми «Ташсельмаш» заводидидаги бу янгиликни ўрганиб, ун шаҳардаги бошқа корхоналарга ҳам кенг ёйиш тадбирларини белгиледи.

(ЎзТАГ).

ПЕНСИОНЕРЛАР ДАМ ОЛИШ УЙИ

Пойтахтимизнинг Фрунзе районидидаги Қўрилиш кўчасида пенсионерларнинг республика дами олиш уйи очилди. Бу ерда ўзбекистоннинг ҳамма шаҳар ва районларидан келган пенсионерлар, Ватан уруши ва меҳнат инвалидлари ҳордиқ чиқарадилар. Улар учун ҳамма шароит яратиб берилган: яхши меъбел билан жиҳозланган дами олиш хоналари, 200 киши сиғидиган қишки клуб, оғиқ эстрада, медицина пункти, ўқий зали, биллардхона, алоҳида ҳаммом ва душлар бор. Махсус автобус дам олаётган пенсионерлар хизматида.

Дам олиш уйининг дирекцияси маданий-оммавий тадбирлар планини тузиб чиқди. Шундан пенсионерларни Тошкентнинг музейларига олиб бориш, лекция ва доқадлар уюштириш, тематик кечалар ўтказиш мўлжалланган.

Ҳозир дами олиш уйи дастлабки 110 пенсионерни қабул қилди.



19 АПРЕЛДА

18.30. «Қирқ йил ва бир кун» — ҳужжатли фильм.
19.00. Муқимий номи театрда «Паранж сирлари» спектакли олиб кўрсатилади.
Танафус вақтларида сўнги ахборот.

20 АПРЕЛДА

19.00. Сўнги ахборот.
19.30. Спорт эътиштириши.
20.15. «Молодость» телевизион журнали.

УНИНГ ИШИ ЮЛИУС ФУЧИКНИ ИЛҲОМЛАНТИРГАН

Чех халқининг отабини ватапарвар фарзанди, қаҳрамон журналисти Юлиус Фучик Совет Иттифоқининг энг катта ва севамли дўстларидан бири эди. У Ватанимизга бир неча бор келган; ишчилар, колхозчилар, хизматчилар, мактаб ўқувчилари ва студентлар билан суҳбатларда бўлган.

Юлиус Фучик совет Ўрта Осиёсида, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам бўлган. Ўтмишда паранжизм зулматида қолган ва чўри ҳисобланган аёлларимиз ҳаётидаги буюк ўзгаришларни кўриб, Юлиус Фучик жуда қувонган, уларнинг турмуши билан яқиндан қизиққан эди.

1936 йили Ўзбекистонга келганида журналист биринчи ўзбек аёл врачларидан бири бўлган Розинхон Мирсоатова билан танишди ва у ҳақда катта очерк ёзди.

Яқинда Прага шаҳрида Юлиус Фучикнинг Совет Иттифоқига бағишланган «Севимли ўлкада» номили китоби катта нашрда босиб чиқарилди, китоб тез орада тарқалиб кетди. Бу китобда Розинхон Солиқовна Мирсоатовага бағишланган очерк ҳам босилган. Юлиус Фучикнинг ўзбек аёлга бағишланган мазкур очерки катта маҳорат ва баъийи талант билан ёзилган.

Ҳозир Розинхон Мирсоатова — медицина фанлари доктори. У шу кунларда ўз илмий ва амалий фаолиятини Харьковдаги оналиқни муҳофаза қилиш илмий-тешириш институтида давом эттирмоқда. Ишдан бўш пайтларини Розинхон Солиқовна Харьковдаги туғруқхоналарда, аёллар консултацияларида, касалхона ва поликлиникаларда ўтказиши. Ўзбек аёлни украинлик хотин-қизлар севиб, ҳурмат қиладилар.

Қ. АХМЕРОВ,
Харьков-Москва.

ПОЙТАХТ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА

ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетида КПССнинг навбатдаги XXII съезидида бағишланган илмий конференция бўлиб ўтди. Илми мажлисида университет профессори ўртоқ Д. Стояров «КПСС XXII съезидида тайёргарлик муносабати билан университетнинг назифалари» деган темада доқад қилди. Конференция 15 секция бўйича иш олиб борди. Ҳаммаси бўлиб 300 га яқин илмий доқадлар тингиланди.

М. Мирзаахмедов.

СТУДЕНТЛАР АГИТЕРГАДАСИ

Тошкент Давлат педагогика институти, ТошДУ баъийи ҳаваскорларидан иборат агитбригада Янгир шаҳридаги совхозларда концертлар берди, қизиқарли лекциялар ўқиди. Чўли ўзлаштирилган ватанпарварлар студентлар кўрсатган маданий хизматдан гўт хурсанд бўлидилар.

Т. Солиев.

ХИСОБЛАШ МАРКАЗИГА ЭКСКУРСИЯ


Тошкент темир йўл транспорт инженерлари институтининг одий математика кафедраси В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг ҳисоблаш марказига студентлар экскурсиясини уюштирди. «Урал-1» электрон ҳисоблаш машинасининг конструкцияси, ишлаш процесси ва уни бошқариш ҳақида ҳисоблаш марказининг директори доцент Левин батафсил сўзлаб берди.

М. Султонов.

ДИПЛОМ СПЕНТАКЛИ

Театр ва Рассомлик санъати институтининг ЎзССР халқ артисти Т. Ҳўжаев раҳбарлигидаги актёрлик факультетининг ўзбек курси студентлари ўқини битириш арафасида турибдилар. Яқинда бу курс ўзининг диплом спектакли — «Севимли қиз»ни тамошабиналарга кўрсатди. Дипломантлардан Д. Ҳасанова, Г. Ражаметов, Т. Каримов, А. Исмоилов, Ж. Бобоева ва М. Афзаловлар ўзларига топширилган роҳларни муваффақиятли ўйнадилар.

Т. Исмоилов.



Суратда: «Халқлар дўстлиги» кўпқунлик велосипед пойгасининг қатнашчилари йўлда.

В. Ткачев фотоси.



ТАЛ—БОТВИННИК МАТЧИ

МОСКВА. 17 апрель. (ТАСС). Шахмат бўйича наҳон биринчилиги учун бўлаётган реванш матчининг 13 ўйинида Талъ енгилганини билдирди. Шундай қилиб ўйин Ботвинник фойдасига 8:5:4 бўлди.

«ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ» ВЕЛОСИПЕД ПОЙГАСИ

Традицияга айланиб қолган «Халқлар дўстлиги» баҳорги кўпқунлик велосипед пойгаси қатнашчилари 15 апрелда Тошкентдаги В. И. Ленин номидаги Қизил майдонда тантанали суратда узашиб қўйилди. Бу йилги пойгада 19 та команда қатнашмоқда. Булар Тожикистоннинг иккита терма командаси, Карелия ва Бурят АССР коллективлари, Ўзбекистон терма командаси Фарғона ва Самарқанд областлари, Новосибирск, Прокопьевск шаҳарлари, Козогистоннинг «Қайрат» жамяти, республикасининг «Пахтадор», «Спартак», «Меҳнат» (иккита команда), «Бувестник» (учта команда), «Локомотив» кўнғили спорт жамятилари ва Армия спорт клуби (Тошкент) командаларидир. Ҳаммаси бўлиб 36 велосипедчи, шу жумладан 36 спорт мастери пойгада иштирок этаётди.

Ўзбекистоннинг спорт шарафини спорт мастери В. Палацкий, А. Кучеренко, Р. Галеев, Х. Пўлдошев, А. Скворцов, В. Будников ва бошқалар ҳимоя қиладилар. Пойгачилар Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон йўллари бўйлаб 1400 километрдан ортиқ масофани босиб ўтишлари керак.

16 апрелда пойгачилар иккинчи этапини (Янгир—Ленинобод) босиб ўтишди. Финингта бу сафар ҳам тожик спортчилари биринчи бўлиб келдилар. Ленинобод—Қўқон ўртасидидаги учинчи этапда команда ҳисобида «Бувестник» коллективни талаба қозонди. Иккинчи ўринни Ўзбекистон терма командаси, учинчи ўринни аса «Пахтадор» велосипедчилари эгаллади. Спорт мастери В. Лихарев («Бувестник» — Ўзбекистон) бу этапда голиб чиқди.

Уч этапдан сўнг Тожикистон вакиллари биринчи ўринда бормоқда.

Кеча пойга қатнашчилари Қўқондан Фарғонага йўл олдилар. Пойга финиши 27 апрель кўни Марказий «Пахтакор» стадиониди бўлади.

Редактор З. И. ЕСЕНБОВЕВ.

Калинин район меҳнатка ш л а р и бутун дунё пролетариатининг доқис Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 91 йиллигини нишонлаш учун яхши тайёргарлик олиб бормоқдалар.

Сисёй ва илмий билимлар тарқатувчи жамяти район бўлимининг лекторларидан Н. Валиев «Келес» совхозиди «Владимир Ильич Ленин—улуг ва камтарини инсон», А. Самод Ленин номи колхозда «Ленин—Шарқ халқларининг улуг дўсти», 40-мактаб тил-адабиёт ўқитувчиси М. Воҳидов «XX партсъезд» колхоз радиоузели орқали «Лениннинг ҳаёти ва революцион фаолияти» деган темаларда қизиқарли лекциялар ўқидилар. Х. Зарипов, К. Худойбер-

ЛЕНИН КҮНЛАРИ ОЛДИДАН

ЛЕКЦИЯ ВА СУҲБАТЛАР

ганов ўртоқлар аса Келес массивидаги чўпонлар орасида «Ленин — Коммунистик партиянинг ташкилотчиси» деган мавзуда суҳбат ўтказдилар.

Агитаторларнинг ташаббуси билан Ленин кўнғига бағишланган 25 та лекция, 200 га яқин суҳбат ўтказилди. Шунингдек, райондаги 38-мактаб ўқувчилари Ленин туғилган кунга атаб янги гулзор ташкил қилдилар. Улар бу гулзорни Ленин номи билан атай бошладилар.

А. АБДУМУТАЛОВ.

Областимизнинг шаҳар ва киш-

лоқларида партиямиз ва давлатимизнинг таш-

килотчиси ва

асосчиси В. И. Ленин туғилган кунининг 91 йиллиги олдида лекция ва суҳбатлар бўлиб ўтмоқда. Сисёй ва илмий билимлар тарқатувчи жамятининг область бўлими лекторлар ва пропагандаистларга ёрдам тарикасида «В. И. Ленин гоёларининг тантанаси» деган темада лекция текстини тайёрлаб тарқатди. Шунингдек, областнинг Ўрта Чирчик, Бекобод, Оққўрғон районларида «Ленин ва партия», «Ленин пахтачиликни ривожлантириш тўғрисида» ва бошқа темаларда лекция ва суҳбатлар ўтказилди.

Чирчик шаҳрида ўтказилган «Ленин ҳаётида музика» деган темадаги лекция-концерт тингловчиларда зўр таассурот қолдирди.

Р. САЙДАЛИЕВА.

ШАҲАРНИ ОБОДОНЛАШТИРИШ ОВЛИГИ

ТОШКЕНТНИ ОБОД ВА КЎРКАМ ҚИЛИШ—ҲАММАНИНГ ШАРАФЛИ БУРЧИ

Баҳор келиши билан Тошкентимиз ажил либосига ўради. Парк ва хиёбонларда, сквер ва майдончаларда баҳорнинг янги элчиси бўлган нозик гуллар қарамакек очилиб етипти. Баҳор байрами — биринчи Майга ҳам саноқли кунлар қолаётди. Бу байрамни ҳар йили шаҳарни янада обод ва озода қилиб қўтиб олиш пойтахтимиз меҳнаткашларининг яхши традициясига айланиб қолган. Шунинг учун ҳам улар Тошкент шаҳар Советининг қарори билан 1 апрелдан бошлаб ўтказилаётган пойтахтни ободонлаштириш ва санитария жиҳатидан тозалаш ойлғида актив иштирок этамоқдалар.

Шу кунларда шаҳарнинг кўпчилик ерида ободончилик ишлари авж олган. Шаҳардаги собиқ ботаника боғи ўрнида ажойиб истироҳатгоҳ барпо қилинаётди. Октябрь район колхоз боғори яқинида обод майдонча ташкил қилинапти. Шаҳарнинг марказий кўчалардан ўтувчи ариқларнинг бетлари бетон билан қопланган ремонт қилинмоқда, марказий

кўчалар, сквер ва майдончаларнинг гулхоналарига рангбаранг ниҳоллар ўтказилаётди. Хуллас, бу каби ободончилик ишларидан қўлаб ўйсолга келтириш мумкин.

Шаҳардаги кўпгина саноат корхоналари ва уй бошқармаларида ободончилик юзасидан диққатга сазовор тадбирлар амалга ошириллапти. «Ўзбексельмаш» Октябрь революцияси номи, МПС заводлари ва Тошкент тўқимачилик комбинати кабир корхоналар ҳамда Куйбишев ва Октябрь районларидаги бир қатор уй бошқармалари бунга мисол бўлади. Бу жойларда ҳаммаёқни турал чиқиндилардан тозалаш, ариқларни озода тутиш, шинам гулзорлар барпо этиш юзасидан анча намунали ишлар қилинмоқда.

Лекин шаҳримизнинг ҳамма жойида ҳам ободонлаштириш ойлғи бир хилда активлик ва рағбат-ташаббус билан ўтмайди. Айрим корхона ва уй бошқармаларининг раҳбарлари, район коммунал хўжалик бўлимлари бу муҳим ва зарур ишга етарли эътибор бермай келмоқдалар.

Мисол учун «Ташсельмаш» заводини олиб кўрайлик. Пойтахтимизнинг йирик саноат корхонаси ҳисобланган бу заводда ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг юқори бўлиши

ҳаммани ҳам қувонтиради. Лекин завод матмурияти ва жамоат ташкилотлари ишчилар аялайдиган жуда бепарво раҳбариди. Ахир бу завод меҳнаткашларининг саломатлиги ва унумли меҳнат қилишларига бевосита алоқадор бўлган муҳим иш-ку!

Завод ишчилари аялайдиган Сельмаш кўчасида анчагина меҳнат сарфлаб, булвар ташкил қилинган эди. Ҳозир бу жой қаровсиз ташлаб қўйилган. Булвар ифлос бўлиб етипти, сув келтирилмагани натижасида ўтқазилган жонли тўсиқлар қулади. Бу жойларда ҳаммаёқни турал чиқиндилардан тозалаш, ариқларни озода тутиш, шинам гулзорлар барпо этиш юзасидан анча намунали ишлар қилинмоқда.

Мисол учун «Ташсельмаш» заводини олиб кўрайлик. Пойтахтимизнинг йирик саноат корхонаси ҳисобланган бу заводда ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг юқори бўлиши

гина жонли тўсиқ ўтқазилган эди. Лекин яхши парварииш бўлмаганидан бу ниҳоллар қурийбошлаган.

Заводнинг уй-жой ва коммунал хўжалик бўлими бошлқи ўртоқ Шарица Ахтимова юқоридидаги нуқсонларни таъ олади, лекин ўз ташаббуси билан бу камчиликларни тугатиш чораларини кўрмайди. Ободонлаштириш ойлғи бошланганидан бери қарийб 20 кунга яқин вақт ўтди. Аммо заводда бирор марта ҳам ишчи-хизматчилар иштирокида шароити ташкил қилинмади. Бу йил завод ишчи-хизматчилари аялайдиган турар-жой қўноқлари атрофида 10 минг туздан ортиқ ҳар хил гул кўчатлари ўтқазилиши керак. Гул кўчатлари завод теплицасида мавж уриб етишти, лекин уларни экиш учун шу вақтгача жой тайёрланмаган.

1 ва 2-ун тортиш комбинатларининг турар-жой шўхрасида ҳам озодалик ва ободончилик тўғрисида ҳеч ким жон куйдирмади. Бу шаҳарча янги обод қилиш ва озода тутиш уй-жой-коммунал хўжалик бўлими бошлқи П. Бабобозов зиммасига қўйилган. Лекин у ўз вазифасини қониқарсиз бажараётди. Уй-жой атрофидаги ариқлар қовланмаган, иллар ўтқазилган дарактлар қаровсизликдан яхши ривожланимапти. Бу йил эрта баҳорда экилган 200 тул манзарали даракт кўчатлари ҳам сусвизлик ва парварииш йўлғидан қуриб қолипти. 2-ун тортиш комбинатида аса кўчат ўтқазиш ойлғи

даврида бирор тул ҳам ниҳол экилмади.

Юқориди айтилган нуқсонларни Фрунзе районидидаги 1-таксомотор парки, Октябрь районидидаги кўн комбинати, толь фабрикаси ва бошқа бир қатор корхоналарда ҳам учратиб мумкин. Умуман олганда, Куйбишев, Фрунзе ва Октябрь районларида ободонлаштириш ойлғи ташкилий равишда яхши ўтмайди.

Ойлиқнинг тамом бўлишига озгина вақт қолди. Ҳанумат кунлардан унумли фойдаланиб, камчиликларини тезда тугатиш керак. Бу ишда комсомол-ешлар айниқса ташаббускор бўлишлари зарур. Шайбаллиқлар ташкил этиб, бир байрат қилинса, ўзимиз ишлаб турган корхонамиз территорияси, уй-жойимиз атрофи озода ва обод бўлади.

Шаҳар ободонлаштириш бошқармаси, район коммунал-хўжалик бўлимлари ва корхоналар ҳузуридаги уй-жой-коммунал хўжалик бўлими жойларда ойлғининг қандай ўтаётганини назорат қилиб туришлари, меҳнаткашларнинг байрат-ташаббусига бошчилик қилишлари керак.

Пойтахтимизни обод ва кўркам қилишдек муҳим иш район партия комитетлари ва ижроия комитетлари ҳамда комсомол ташкилотларининг ҳам диққат марказида бўлиши лозим.

Тошкентни обод қилиш ва озода тутиш шу шаҳардаги ҳар бир гражданинг ва ҳар бир ташкилотнинг шарафли бурчидир.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

ТОШКЕНТНИНГ ТАМОНА ЗАМОНАДА

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИ ТЕАТРДА
19/IV да Травата, 20/IV да Майсарининг иши.
ХАМЗА НОМИ ТЕАТРДА
19/IV да Ҳамза, 20/IV да Тоғажиллар.
МУҚИМИЙ НОМИ ТЕАТРДА
19/IV да Паранж сирлари, 20/IV да Олтин қидирувчилар.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Арслонлар аттракцион.

Арслонларни ўргатувчи Владимир Борисовнинг хайрлашув гастролли.

КИНО

Ленин йўлламаси билан — «БАТАН» (эрта та соат 10 да).
Очилган кўрик (3-серия) — «БАТАН», НАВОИЙ номи, «ИС-КРА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечурун).

Олтин юлдуз таққан малика — «СПУТНИК» (иккит соатларда).

Кор устидаги гул — «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Козогистон ССР Фанлар академиясининг

ядро физикаси институтига тешириш лабораторияларида инженерлар, маданий илмий ходимлар, лаборантлар ва шайлий лаборантлар вазифасида ишлаш учун мутахассислар: физиклар, радиотехниклар, радиотехниклар, механиклар

керак

Қабул қилинган ёлғиз кишилар ётоқхона, оилаликлар квартира билан таъминланади.

Хужжатлари тақдим қилиш учун адрас: О